



Нурота туман тиббиёт бирлашмасидаги қарашли Алишер Навоий оиласвий шифокорлик пунктини жорий тамирлаш

### ТЕХНИК ТОПШИРИК

№	Асосиймаълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Нурота туман тиббиёт бирлашмасидаги қарашли Алишер Навоий оиласвий шифокорлик пунктини жорий тамирлаш
2	Буюртмачи	Нурота туман тиббиёт бирлашмаси
3	Буюртма учун асос	Нурота туман тиббиёт бирлашмасидаги қарашли Алишер Навоий оиласвий шифокорлик пунктини жорий тамирлаш
4	Объектнинг жойлашган ўрни	Навоий вилояти Нурота тумани
5	Қатнашувчилар учун талаблар	Нурота туман тиббиёт бирлашмасидаги қарашли Алишер Навоий оиласвий шифокорлик пунктини жорий тамирлаш
6	Тижорат таклифларини тақдим этиши шартлари	Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома.
7	Бажарилган ишлар хисоб-китоби	Хизмат курсатганилиги тўғрисида бажарилган ишлар далолатномаси счет-фактурага асосан тўлов амалга оширилади.
8	Ишни бажариш муддати	2022 йил Сентябр ойидан 2022 йил 31декабргача.
9	Техника хавфсизлиги буйича талаблар	Иш бажариш жараёнида техника хавфсизлик қондадарига тула риоя килиши шарт.
10	Молиялаштириш манбай	Нурота туман тиббиёт бирлашмасининг ўз маблаги



## Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

### ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Нурота-2022

#### Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

#### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Нурота туман тиббиёт бирлашмасига Алишер Навоий оиласи  
шифокорлик пунктини жоърий таъмирлаш

1.2. Танловнинг юкори қиймати – **149 948 682 (Бир юз кирк тўқиз миллион тўқиз қирк саккиз минг олти юз саксон икки)** сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар  
қабул килинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник кисмда илова  
қилинган.

**Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан  
шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати: Голиб булган катнашчи билан шартнома имзоланган  
кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график буйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

## **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. **Нурота туман тиббиёт бирлашмаси**(бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -  
танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили:Ўзбекистон, Навоий вилоят Нурота туман, У.Юсупов кўчаси 32  
уй.

Эл.адрес: **nurotattb@mail.uz**

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид  
комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов **Нурота ТТБ** “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси  
томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар  
кўрсатишига ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик макомга эга  
бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар  
куйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фойзи миқдоридаги айланма маблағларининг  
ёки кўрсатиб ўтилган маблагларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни  
бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала хукукий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми  
(50 фойиздан кам бўлмаган холда):

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият  
конунчиликка биноан лицензиялашириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун  
белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида  
турганилар; мол-мулки мусодара килинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок,  
холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий  
карамлиги мавжудлар.

## **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ**

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисем, “Буюртмачи” томонидан кўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳакиқийлиги ва маълумотларнинг ҳакконийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини кайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳукуқига эга.

## **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул килиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълукли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йиғилиши карори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул килиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳакиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **7. БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилинга ҳакли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл кўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳакли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичida давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартираслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон килинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиши тўғрисида сўров юборишга ҳакли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади